Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 97 (7. 186) ◎ 1990 йил 28 апрель, шанба Бақоси 3 тийин

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

26 апрель куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашди. Вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият, уни яхшилаш тадбирлари, истиқболдаги вазифалар тўғрисида гап борди.

Жумҳурият Президенти Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиш даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганлигини таъкидлади. Янги чора-тадбирларнинг жорий этилиши республика аҳолиси ва айниқса ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган гуруҳлар — пенсионерлар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали оилаларнинг аҳволини мушкуллаштирмаслиги учун мазкур масалани пухта ишлаб чиқиб, меҳнаткашлар билан биргаликда муҳокама қилиш зарур. Шунинг учун ҳозир кун тартибида бозор иқтисодиётига ўтишнинг, аҳолининг кам таъминланган табақалари учун кун кечириш даражасини сақлаб қолиш кафолатларини таъминлашнинг муқобил лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Кўпгина муаммолар ва нарх белгилаш масалаларини ҳал этиш лозим. Жумладан, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархини ошириш, жумҳуриятни барча зарур нарсалар билан таъминлашга оид ишларни давом эттириш керак. Мана шу барча масалалар мураккаб ва хилма-хил масалалардир, дейилди учрашувда. Шу боисдан бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги узил-кесил қарорни республикалар билан келишиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш йўли билангина қабул қилиниши мумкин.

Бошқа томондан республика ҳукумати бундай қарорни қабул қилгунга қадар албатта халқ билан маслаҳатлашади. Халқнинг фикрини ҳисобга олгандан кейингина узил-кесил программани тайёрлайди. Шунинг учун саросимага ҳеч қандай асос йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси эса ана шу муаммони Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча аҳолиси ўртасида кенг кўламда, амалий муҳокама қилинишини йўлга қўйишдан иборат. Бироқ ҳозир бу ишни самарали олиб бориш учун журналистларнинг ўзларини тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш зарур. Бундай иқтисодий ўқув ишга билимдонлик, вазминлик ва холис ёндашувни таъминлайди. Айни пайтда иқтисодиётни такомиллаштиришнинг самарали йўлларини қидириб топиш учун илм-фан кучларини, мутахассисларни ва жумҳурият тақдирига бефарқ бўлмаган барча кишиларни бирлаштириш талаб этилади.

Турли миш-мишлар, эътирозларни авж олдиришга ҳам қарши курашиш даркор. Масалан, республиканинг бир қанча шаҳар ва посёлкаларида савдо ходимлари асоссиз равишда «юқоридан берилган фармойиш»га таяниб айрим молларни сотишни чеклаб қўйганлар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, деди И. А. Каримов. Савдо ташкилотларида бўлган ҳамма нарсалардан жумҳурият аҳолиси манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш керак. Бунга мисол қилиб шуни келтириш мумкинки, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча колхоз бозорларида гўшт маҳсулотлари нархини оширишга уринишларнинг пайи қирқилди.

Ўзбекистон ССР Президенти саволларга жавоб қайтариб республика Министрлар Советининг бир қанча товарлар ва маҳсулотларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқишни вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигига алоҳида тўхталди. У энг аввало жумҳурият ички бозорини озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўла таъминлаш учун шундай қилинганлигини айтди. Ўзбекистондан кўплаб камёб моллар олиб чиқиб кетилаётганлиги шундай чора кўришга сабаб бўлди.

Масалан, Қарши аэропортида Бугуруслан шаҳридан келиб, самолётга 55 қоп қанд-шакарни ортишга уринган киши ушланди. Андижон вилоятида эса 65 минг сўмлик асал ва 18 минг сўмлик бинокорлик материалини олиб чиқиб кетишга уринишнинг пайи қирқилди. Шунга ўхшаш бошқа фактлар ҳам бор.

Республика ҳукумати жумҳурият аҳолиси эҳтиёжларини имкони борича кўпроқ таъминлаш, ҳаддан ошишларга, бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўрмоқда. Хусусан, маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларида сотиш учун рухсат бериш тадбирлари ўйлаб кўрилмоқда. Бу энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тааллуқлидир. Деҳқончилик маҳсулотлари айни пишиб етилган пайтда Ўзбекистон аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилгандан кейин мева ва сабзавотларнинг нобуд бўлишига йўл қўймай, жумҳуриятдан ташқарига ҳам олиб чиқиш мумкин бўлади. Ўзбекистон меҳмонларига нисбатан майда-чуйда инжиқликларга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ахир республикамизга миллионлаб туристлар келишади. Улар жумҳуриятимиз, унинг аҳолиси ҳақида яхши фикрда бўлишлари лозим.

И. А. Каримов касаба уюшмаларининг ишига батафсил тўхталди, уни такомиллаштириш йўллари ҳақида гапирди. Президент касаба уюшмалари меҳнаткашларининг манфаатларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов йиғилиш аҳлининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳуриятлараро кенгашининг раиси Ҳ. Алимова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).



◎ ҚЎЛИ ГУЛ ЧЕВАР. «Октябрь 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Феруза Тўрақулова.

Р. Шарипов сурати.

Тонгги газеталарда

◎ **СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Урал дарёларидаги учрашувларга оид расмий хабарлар эълон қилинган.**

◎ **СССР Статистика Давлат комитетининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1990 йил биринчи квартали якунлари тўғрисидаги ахбороти берилган.**

◎ **«Правда» рўзномасининг учинчи ва тўртинчи саҳифаларидан «Мунозара варақаси»нинг навбатдаги 27-сони ўрин олган.**

МХР БОШ КОНСУЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Мўғулистон Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ц. Буянтогтохни Ўзбекистон пойтахтида бўлиш муддати тугаши муносабати билан 26 апрель куни қабул қилди.

Ш. Р. Мирсаидов Ц. Буянтогтохнинг Бош консул лавозимидаги фаолиятидан мамнунлигини айтди. Ҳар икки томон Мўғулистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланаверсин, деган истакни айтди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

МУЗҚАЙМОҚ—СОЗҚАЙМОҚ

Тошкент шаҳар матлубот уюшмасига қарашли музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот бера бошлади





◎ **Ҳамшаҳарларимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш зарур. Куни кеча ишга туширилган музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонаси бунга улуш қўшади.**

МАТЛУБОТЧИЛАР корхона учун алоҳида бино қуриш шарт эмас, деган қарорга келишди, лекин ускуналар энг замонавий бўлиши керак. Ишлатилмай ётган кенг ва ёруғ хоналардан бири қайта таъмирлангунга қадар ускуналарни қўшни жумҳуриятлардан келтиришга тўғри келди. Шундай қилиб, икки йўналишдан иборат музқаймоқ корхонаси иш бошлаб юборди. Биринчи йўналиш шоколадли пломбир, иккинчи автомат йўналиш эса қирқма («брикет») музқаймоқларни ишлаб бермоқда...

Оқ халатли кишилар ўзларига топширилган вазифаларни адо этишяпти. Найчалардан ярим музлатилган қоришма оқиб келиб, қолипларга қуйилади ва махсус эритма тўлдирилган «ҳовуз»га тушади. Бир зумда қўллар музлаган маҳсулотларни савдо нуқталарига юбориш учун тайёрлайдилар. Икки дугона — Шоира Ҳошимова ва Заҳро Шамсутдиновалар бу ишни чаққонлик билан уддалашмоқда.

— Шоколадли музқаймоқларни ҳозирча қўлда ўраяпмиз,—деди биз билан суҳбатда корхонанинг технологустаси Ҳасан Қосимов. — Иккинчи йўналишда Киев шаҳридан келтирилган 6 турдаги музқаймоқ ишлаб чиқарувчи ускуна ўрнатилган. Бу «ақл»ли машина ҳам яхлатади, ҳам маҳсулотни қоғозларга ўраб беради. Бундай замонавий ускуна ҳозирча шаҳримизда ягонадир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда корхонадаги иш жараёнларигина эмас, ҳатто маҳсулотлари ҳам ўзининг кўриниши ва хуштаъмлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Бунинг сабаби, унинг таркибидаги шоколад, ёғ, қуюлтирилган сут ва шакар рисоладаги қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда ишлатилмоқда.

Кунига бир тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона маҳсулоти шаҳримизнинг йигирмадан ортиқ савдо нуқталарида сотилмоқда. Кейинчалик эса озиқ-овқат магазинларининг музхоналарида ҳам бу матлуботчилар ишлаб чиқараётган харидоргир музқаймоқлар сотила бошланади.

П. НИШОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Б. Маҳсудов ва А. Абдуллаев маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; 2. Заҳро Шамсутдинова (чапда) ҳамда Шоира Ҳошимовалар тайёр музқаймоқларни дўконларга жўнатишмоқда.

М. Нуриддинов суратлари.

Алоқалар кенгаймоқда

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни билан Хитойнинг Шэньян дорилфунуни ўртасида дўстлик, таълим-тарбия, илмий, маданий ва иқтисодий соҳаларда алмашувлар тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу битимда олимлар, тажриба орттирувчилар ва талабаларни бир-бирига юбориш, шунингдек ўқув ва илмий материалларни айирбошлаш имконияти назарда тутилади. Дорилфунунлар биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришлари, биргаликда ўқув қўлланмалари яратишлари, ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантиришлари мумкин бўлади.

Битимни имзолаш учун Тошкентга келган делегация аъзолари орасида Шэньян дорилфунунининг раҳбарлари, олимлар бор эди, улар олий ўқув юртида бўлган вақтларида шарқшунослик, журналистика ва фалсафа-иқтисод факультетларида лекциялар ўқишди.

— Бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз, — деди Хитой делегациясининг раҳбари, дорилфунун ректори Шанг Хонг. — Самимий кутиб олганлари учун миннатдормиз. Олий ўқув юртларимиз ўртасидаги дўстлик Совет-Хитой ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлишига умидвормиз.

— Яқин орада бизнинг делегациямиз Хитойга жавоб ташрифи билан боради, — дейди Тошкент Давлат дорилфунунининг проректори Латиф Турсунов. — У ерда алоқаларимизнинг амалий режаларини биргаликда тасдиқлаб олишимиз мўлжалланган.

Тошкент Давлат дорилфунунининг Хитой халқ жумҳуриятидаги олий ўқув юртлари билан алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда. Тошкент дорилфунуни Ухань ва Сичуань дорилфунунлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Шу кунларда Тошкент дорилфунунининг делегацияси Ўрумчида турибди.

(ЎзТАГ).

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТАЁТГАНЛАР

Тошкентда болалар уйлари, мактаб-интернатларга ёрдам кўрсатиш яхши анъанага айланди. Бу тадбирларда корхоналар ва ташкилотларнинг жамоалари, шунингдек диний муассасалар фаол иштирок этмоқда.

Мусулмонларнинг диний байрами — Рамазон ҳайити арафасида тошкентлик диндорлар меҳр-мурувват кўрсатдилар. Улар юзлаб гилам, палос, ўқув қўлланмалари, ширинликлар, ўйинчоқлар тўплашиб, Ўзбекистон пойтахти болалар уйларига ҳадя қилишди.

Ҳадяларни топшириш вақтида Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния бошқармаси ҳайъатининг раиси муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф ва бошқа диний арбоблар қатнашдилар.

Бўстонлиқ районида табиий офат оқибатларини тугатиш штабига кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Меҳр-мурувват ҳаракати давом этяпти. (ЎзТАГ).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Вақт тежалади

◎ **БУГУН қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳовлисида маиший хизмат кўрсатиш корхонаси очилди.** Натижада бирлашма ходимлари ўзларининг бўш вақтларини тежаш имкониятига эга бўлдилар. Дарвоза ёнидаги бинода қабул пункти ва сартарошхона, тикувчилик ателеси, пойабзал ва соатни тузатадиган устахоналар жойлашган. Кўпгина рўзғор муаммоларини тушлик танаффус пайтида ёки ишдан сўнг уйга қайта туриб ҳал этиш мумкин.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Харидоргир буюмлар

◎ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ асбобсозлик заводи жамоаси БУГУН савдо пештахталарига янги уч тур маҳсулот юборди.** Булар санитария жиҳозлари тўплами, енгил автомобилларнинг баъзи эҳтиёт қисмлари, шунингдек, ошхона пичоқлари термаларидир. Жамоа Май байрамигача 36 минг сўмлик ана шундай харидоргир буюмлар тайёрлашга аҳд қилди.

Д. ОТАЕВ.

Маҳаллада ҳашар

◎ **СОБИР Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласида 550 хонадон яшайди.** Маҳалла комитетининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳ. Алимов ва маҳалла комитетининг котибаси М. Исломова бошчилигида яқинда маҳаллада умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Тепа проездидаги Кайковус арғи, Форобий кўчасининг ён атрофи чиқиндилардан тозаланиб, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

А. ТОЛИПОВ.

«Қомус» деб аталди

◎ **ЎЗБЕК Совет Қомуси Бош редакцияси қошида «Ўзкитоб» жумҳурият улгуржи чакана китоб савдоси бирлашмасининг «Қомус» китоб дўконини ишга тушди.** Бу маърифат масканида турли қомусий нашрлар, маълумотнома ва луғатлар билан савдо қилинади. Ихтисослашган халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилувчи китобхонлар ўзларига керакли луғат адабиётларини бу ердан топа олишлари мумкин.

А. САЪДУЛЛАЕВ.

Ўлкашунослар жамияти

◎ **ҲАМЗА номли санъатшунослик институтининг катта залида Ўзбекистон ССР Маданият фонди ташаббуси билан жумҳуриятимизда биринчи марта ўлкашунослар жамиятини ташкил этиш юзасидан илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда жумҳуриятимиздаги шу кунги экология, археология, ўлка ва ёввойи ҳайвонларни ва ўрмон паррандаларини асраб қолиш, тенг масалаларни зудлик билан амалга ошириш масаласи кўрилди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Октябрь райони янгиликлари



Маҳсулотлар кўзни қувнатади

◎ **КУН-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмаси жамоаси шу йилнинг тўрт ойида 120 хилда 1 миллион 94 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.** Апрель ойи планини муддатидан икки кун олдин бажаришга аҳд қилган жамоа аъзолари пландан ташқари 250 минг сўмлик буюмлар ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

БУГУН Фарида Воҳидова, Толиб Деҳқонов каби бирлашма пешқадамлари келаси йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қилишга киришишди.

Янги савдо шохобчалари

◎ **БУГУНГИ кунда бозор қурилишида 650 ишчи ва инженер-техник ходимлар турли ташкилотлардан келиб ишламоқда.**

БУГУН ёпиқ бозорга чиқаверишда қурилаётган тўртта савдо шохобчаси қуриб битказилиб, уни жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. 280 квадрат метр савдо шохобчасини эгаллаган озиқ-овқат магазинида харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам барча қулайликлар муҳайё этилган. Шунингдек саноат моллари, хўжалик буюмлари, трикотаж, ёдгорлик совғалари каби савдо шохобчалари харидорлар хизматига тахт қилиб қўйилди.

Ибн Сино даҳаси

◎ **БУГУН шаҳар атамалар комиссиясидан хабар қилишларича йил бошидан бери райондаги олтита кўча ва битта мавзенинг номи ўзгарди.** Блок кўчаси — Вахмал, Водопадная кўчаси — Соиб Хўжаев, Звеновая кўчаси — Хосият Тиллахонова, Чаплигин кўчаси — Тожихон Шодиева, Шишкин кўчаси — Раҳмат Файзий, Заварзин кўчаси — Солиҳ Муталлибов номи билан, Калинин массиви — Ибн Сино даҳаси деб юритила бошланди.

Умуман атамалар комиссияси иш бошлагандан бери районда ўндан ортиқ кўча, жой номлари ўзгарди.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Қалб нидоси

◎ **ТАНИҚЛИ** бастакор Р. Абдуллаев ижодида инсон тақдири билан боғлиқ долзарб мавзу етакчи ўрин тутади. Давр жароҳати деб эътироф қилинган ўша машъум Хиросима фожиаси ҳам санъаткорни кўпдан бери ўйлантириб келар эди. Бу мудҳиш ўтмиш воқеасини мусиқий лавҳаларда бадиий акс эттириш мақсадида у кўп изланди, япон шоирларининг дард билан ёзган шеърларини кўздан кечирди. Таниқли шоир Томико Харининг «Хиросима кўз ёши» шеърн уни айниқса қаяжонлантирди.

Мана шу ижод намуналаридан бири нечтасини танлаб, мусиқага солди. Туркум қўшиқлардан тузилган бу асар якунда Москвада ижро этилди. «Хиросима кўз ёши» асари Ватанимиз пойтахтида ўтган камер мусиқаси ҳафталиги концерт программасига киритилди.

А. АКБАРОВ.

Мусаввир кўргазмаси

◎ **ШАҲРИМИЗНИНГ М. Горький номли маданият ва истироҳат боғи қар галдагидек байрам қиёфасида.** Куннеча шу истироҳат боғида яна бир кўргазма ташкил этилди. Тошкент қуранти ёнида газалкентлик мусаввир Равиль Ниёзбоевнинг саксондан зиёд ижодий асарларидан мавжуд кўргазма ташкил этилди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёшлар уйида» мусаввир Р. Ниёзбоевнинг тўла ижодий асарлари намойиш этилиб, мусаввир учун ҳар ойда Ўзбекистон ССР Маданият фонди томонидан 100 сўм стипендия тайинланган эди.

Энди эса Тошкент қуранти ёнида Р. Ниёзбоевнинг ижодий асарини оммага яқиндан таништириш борасида кўргазма ташкил этди.

С. МУХТОРОВ.

Суратли ахборот



◎ **БЕКТЕМИР** районн кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда, Айниқса Водник даҳасида қад ростлаётган янги кўп қаватли турар жой биноларн, савдо шохобчалари даҳа кўркига кўрк қўшиб бормоқда.

БУГУН Водник даҳасида янги «Орбита» техник савдо маркази ишга тушди. Бу ерда рўзғор буюмлари билан бирга эҳтиёт қисмлар харид қилиш мумкин.

И. ШЕРБЕКОВ.

СУРАТДА: янги хизмат шохобчасининг кўрининши.

Муаллиф сурати.

⊙ Одатдагидек, байрам арафасида шаҳар хизмат бўлимларининг ишлари кўпайиб кетади. Кўча, хиёбон, майдонларни тартибга келтиришгина эмас, уни чиройли безатиш ҳам керак. Токи шаҳар, унинг ташқи қиёфаси ҳамшаҳарларимизга яхши кайфият бахш этсин.

АЛВОН РАНГДА

1 МАЙ ва Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги айёмлари арафасида «Рассом» комбинати мусаввирлари юзлаб плакатлар, паннолар чизмаларини, яъни шаҳар ташқи қиёфасини бунёд этдилар. Байрам комиссиясига уларнинг айримлари маъқул келмади. Маъқул топилганларини эса ҳадемай шаҳар кўчаларида кўрасиз. Уларнинг асосий мазмуни халқлар дўстлиги, меҳнаткашлар бирдамлиги, янгиланиш, тинчликдир.

— Ҳозир паннони ўрнатиш ишлари ниҳоясига етяпти, —дейди шаҳарни ташқи жиҳатдан безатиш бўлимининг бошлиғи М. А. Орипов. — Асосий колонналарнинг машиналари, В. И. Ленин номидаги майдон, марказий кўчалар безатилиб , меҳнаткашларнинг байрам намойиши учун шай қилиб қўйилди. Бунда турли корхона ва ташкилотлар ёрдам беришди.

ХИЗМАТИНГИЗДА БЎЛИШАДИ

САВДО ШАҲАРЧАСИ

30 АПРЕЛГАЧА саноат корхоналарида, йирик қурилиш майдонларида, ташкилотлар ва ўқув юртларида 500 дан зиёд савдо кўргазмалари ташкил этилади. Уларда ярим фабрикатлар, сабзавотлар, гўшт, балиқ, парранда гўшти ва бошқалардан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар қўйилади. Бу соҳаларнинг усталари ўз маҳоратларини намоён қиладилар.

Жумҳурият вилоятларининг хўжаликлари меҳнаткашлари шу кунларда ҳамшаҳарларимизни анъанавий сабзавот расталарига таклиф этадилар.

— Бугун бизнинг ходимларимиз фақат харидорларга тотли маҳсулотлар туҳфа этибгина қолмай, балки расталарнинг чиройли безатилиши билан ҳам яхши кайфият бахшида этадилар, — деди умумий овқатланиш Бош бошқармасининг ташкилий бўлим бошлиғи Р. Н. Нурисломова. — Байрамлардан олдин боғлардаги кафе, чойхона, лағмонхоналар таъмирланди. Умумий овқатланиш корхоналарида шанбаликларда 10 мингта мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 30 минг туп атиргул ўтқазилди. 15 та гулзор ташкил этилди. «Ширинкор» кафесини, Собир Раҳимов районида маиший хизмат кўрсатиш корхонасини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек Куйбишев районида миллий чойхона, Чилонзор районида «Наврўз» кафелари очилади. Ҳаммаси бўлиб 650 ўринли янги кафе ва бошқалар бунёд этилади.

Шу кунларда йўлингиз тушиб, В. И. Ленин номли майдондан ўтсангиз, байрам учун савдо шаҳарчаси очилишга шай эканлигини кўрасиз. Чиройли безатилган расталарда жондан бошқа ҳамма нарса бор. Миллий таомлардан фақат тошкентликларгина эмас, балки меҳмонлар ҳам татиб кўришлари мумкин. К. Маркс кўчасида, «Жасорат» ҳайкали, СССР Халқлари дўстлиги саройи олдида, шеърият хиёбонида, Навоий номидаги театр олдида ҳам ранг-баранг таомлар тайёрланади.

Намойиш қатнашчиларига хизмат қилиш учун 300 дан зиёд кўчма буфетлар ташкил этишга қарор қилинди. Маҳалла комитетларининг уруш нуронийларини сийлаш тўғрисидаги илтимослари ҳам ҳисобга олинди.

СУВ УСТИДА НУР ЖИЛВАСИ

РАНГ-БАРАНГ гуллар, юлдузлар, пуфак ва бошқалар — ҳаммаси кўзни қамаштиради. Бу манзарани «Ташгорсвет» корхонасининг катта муҳандиси Т. Хўжаева бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар ниҳоясига етказишди.

Байрам оқшомида кўчаларимизни ранг-баранг нурлар жилваси безайди.

— Бу йил биз ҳамшаҳарларимизга ажойиб бир янгилик тайёрладик, — дейди корхонанинг бош муҳандиси М. Л. Бочков.— Анҳор кўпригидан Навоий кўчаси бўйлаб Космонавтлар равон кўчаси томон сув устида нурлар ўйини ташкил қилинади. Унинг узунлиги салкам 200 метр бўлади. Бу ўзига хос манзарани бир ярим мингта ранг-баранг электр чироқлари ҳосил қилади. Бу ерда махсус сув пуркагичлар ёрдамида ўзига хос фаввора ҳосил қилишни ҳам режалаштиряпмиз.

Бу ерда симёғоч ва сим йўлларини В. А. Шелестюк етакчилик қилаётган бир гуруҳ ишчилар олиб боришяпти.

ЯНГИ ДЎКОНЛАР

БУЮК Ғалабанинг 45 йиллиги кунида Тошкент отчопарида катта сайил бўлади.

Шу куни «Юнусобод» марказий универсал магазини қошидаги «Ветеран»нинг яна иккита ихтисослашган бўлими Авиасозлар шаҳарчасининг «Партия XXIII съезди» кўчасида ўз эшикларини очади.

Бунёд этилаётган ёпиқ бозор майдонида тўртта катта магазин очилади. Уларнинг умумий майдони 2300 квадрат метр бўлади. Ҳозир бу ерга ускуналар келтириляпти. Бу ерда тикувчилик, атторлик, хўжалик моллари ва турли-туман маҳсулотлар ранг-баранг бўлади.

...ЧИННИГУЛЛАР

1 МАЙ байрами шарафига манзарали боғдорчилик совхози меҳнатчилари юзлаб чиннигул ва бошқа гуллардан гулдаста ясадилар. Бу гуллар, шубҳасиз, намойиш қатнашчилари, кўпчилик тошкентликларнинг қўлларида эъзозланади.

Совхознинг ер майдонлари Назарбек, Дендропарк, Свердлов номли колхоз, Пионер кўчаси ва Оқтепагача туташиб кетган. Бу ерларда фақат гулларгина эмас, балки дарахт кўчатлари ва бошқа кўчатлар ўстирилмоқда. Улар кейинчалик шаҳар кўчалари ва майдонларига ўтқазилади.

Шу йилдан бошлаб гул магазинларига 3 миллион 240 минг донадан зиёд гуллар келиб тушди. Ҳаммаси бўлиб, бир миллион 462 минг сўмлик гул сотилди. Бу мўлжалдагидан анча кўп.

6, 7, 8-участкаларнинг жамоалари, шунингдек, О. Катюхина, Х. Саидакбаровлар етакчилик қилаётган ишчилар гуруҳи аъло даражада меҳнат қилишди.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

1 Майга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар байрам комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳозиргина ниҳоясига етди. Унинг раиси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов билан қисқа суҳбат қилдик.

— Шоиноят Раҳимович, Халқаро бирдамлик кунига бағишланган бу йилги меҳнаткашлар намойиши аввалгиларидан фарқ қиладими?

— Ҳа, биринчи навбатда дабдабабозликлар, бесўнақай паннолар, шиорнамо меҳнат ғалабаларининг йўқлиги билан. Тошкент ишчилари, аҳолиси В. И. Ленин номли майдонга барча миллат меҳнаткашларининг бирдамликларини, турмушимизни янада яхшилашга интилишларини яна бир бор намоён қилиш учун йўл оладилар.

— Байрам колонналари қандай шаклланади?

— Байрам колонналари ишлаб чиқариш жиҳатларига кўра шаклланади, негаки 1 Май туб маъносига кўра меҳнат кишилари бирлигидир.

— Чамаси, 1 Май намойиши асосий ҳисобланса ҳам у яккаюягона байрам тадбири бўлмаса керак?

— Албатта! Меҳнаткашларнинг байрам намойишидан кейин кенг миқёсда халқ сайиллари бошланиб кетади.

Бинобарин, умумшаҳар 1 Май байрамини ўтказиш бўйича ташкилий комитет ташкилотчиликка ҳаддан зиёда берилмасдан, тошкентликларнинг ташаббусларига, Наврўз тантаналарида бўлгани каби ижодкорлигига кенг йўл очиб беришга ҳаракат қилди. Яхшиси, шаҳар бошқармаларининг раҳбарлари белгиланган тадбирлар ҳақида батафсил гапириб бериша қолсин. Мен эса фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамшаҳарларимизни ва пойтахт меҳмонларини 1 Май байрами билан самимий ва чин қалбдан муборакбод этаман.

ТОШКЕНТ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Яна бир неча кундан сўнг меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни нишонлаймиз. Жумҳуриятимиз пойтахтининг бош майдонида байрам намойиши бўлиб ўтади. Сўнгра халқ сайиллари, концертлар, мусобақалар бўлади.

Шундай қилиб, байрам кунларида бизни нималар кутмоқда! Ушбу саҳифада ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.











⊙ Байрам кунлари жамоат тартибини муҳофаза этишни таъминлаш қандай бўлади? Бу ҳақда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У. А. Абдуғаниев шундай ҳикоя қилади:

ТАРТИБГА КАФИЛМИЗ

— Биз бевосита шаҳар байрам комиссияси билан мустаҳкам алоқада иш олиб борамиз. Вазифалар ва мажбуриятлар белгиланган. Асосий вазифа табиийки, айниқса оммавий тадбирлар ва сайиллар ўтаётган жойларда жамоат тартибини муҳофаза этишни таъминлашдир. Ана шу мақсадда махсус режа ишлаб чиқиб, тасдиқланди. Уни бажариш бошқарма орган ва бўлинмаларнинг шахсий таркиби, милиция мактаби тингловчилари ва курсантлари, Тошкентдаги СССР Ички ишлар министрлигининг ҳарбий хизматчилари зиммасига юкланди.

Байрам тантаналари ва халқ сайиллари чоғида милиция ходимлари фақат оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, масалан, Ленин номидаги майдон, СССР Халқлари дўстлиги саройи, Навоий номидаги театр ва бошқа жойлардагина эмас, балки ҳамма боғлар, хиёбонлар ва шаҳар кўчаларида ҳам жамоат тартибини муҳофаза этишни таъминлайдилар. Милиция ходимлари жамоат тартибини бузишга ҳар қандай уринишларга қатъий зарба беришга шай турадилар. Тошкентликларнинг байрам кайфиятларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай безорилик ва жиноятларнинг олдини оладилар. Бунинг учун ҳамма куч ва воситалар шай турибди. Ишончим комилки, милиция ходимлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Тошкентликларни кириб келаётган байрам билан табриклар эканман, уларга энг яхши истаклар билдираман. Барча ҳамшаҳарларимизни хотиржамлик кўрсатишга, масъулиятни ҳис этишга, жамоат тартибини бузмасликка, ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларни хиёл бўлсада ранжитиб қўймасликка чақираман. Бунда сизга милиция ходимлари ҳамиша шай турадилар. Улар оддий иш кунларида ҳам, байрам кунларида ҳам ўз бурчларини виждонан адо этадилар. Ҳолбуки, улар ҳам байрамда айниқса май айёмида ўз оила аъзолари билан дам олгилари келади.

Милиция ходимларининг ва ҳамшаҳарларимизнинг куч-ғайрати билан биз шаҳар майдонларида, кўчаларида, даҳаларида тўла тартибга эришишимиз мумкин. Фақат байрам кунларида эмас, бошқа кунларда ҳам.

«КЕЛИНГ, ДЎСТЛАШАЙЛИК!»

⊙ АНА шу шиор остида СССР Халқлари дўстлиги саройи майдонида 1 Май куни асфальтдаги расмлар танлови ўтказилади.

— Бу тадбир — ижодий байрамнинг бир бўлаги, холос, — деб ҳикоя қилади бадиий раҳбар Бахтиёр Ҳамидов. — Нега «ижодий» деб таъкидлаётганлигимнинг сабабини кейинроқ айтаман. Ҳозир шу куни майдонда болаларни нималар кутаётганлиги ҳақида сўзлаб берай. Биринчидан, биз ҳаддан зиёд ташкилотчиликка берилишдан тўла воз кечдик ва байрамни очиқ майдонда ўтказишга қарор қилдик. Бу унга кўпроқ қиз ва ўғил болаларни жалб этиш истаги билан боғлиқдир. Улар кўплаб кўргазмаларга қўйилган нарсаларни кўрадилар: авиамоделчилар, ёш техниклар, мусаввирлар ва бошқалар ижоди намойиш қилинади. Ёш артистлар эса катта концерт қўйиб берадилар. Унда «Ғунча», «Юлдуз», «Чаман», «Камалак», Т. Иноғомов раҳбарлигидаги чилдирмачилар ансамбли ва бошқа кўпгина ансамбллар қатнашади.

Қисқаси, майдон республика пионер ва ўқувчилар саройи ихтиёрига бериб қўйилади.

— Эшитишимизча, А. Навоий номидаги театр майдони ҳам шу куни болалар ихтиёрига бериб қўйиларкан, шундайми?

— Жуда тўғри. фақат у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг халқ таълими Бош бошқармаси ва шаҳар пионерлар уйи куч-ғайратлари билан ўтказилади. Бу ерда ҳам турли вокалчолғу ансамбллари концерт беришади. Бироқ асосий эътибор болаларнинг спорт-оммавий тадбирларига қаратилади. ДОСААФ Марказий Комитети спорт автомобиллари, картинглар кўргазмасини ташкил қилади, барча хоҳлаганлар велосипед, самокатларда ўтказиладиган мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

— Яна битта сирни очсангиз: ҳар икки жойда ўтказиладиган тадбирларда болаларнинг ва катталарнинг севимлиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Андрей Петровецнинг ўрни қандай бўлади?

— Бунда ҳеч қанақа сир йўқ. У байрамга ўзининг чилдирмаси, катта қўғирчоқлари — ажойиб маймуни билан, кулгили ва содда жўжаси билан, бесўнақай бегемоти билан келади. Яхшиси, бу ҳақда Андрейнинг ўзи гапириб берсин. Мен фақат шуни қўшимча қилмоқчиманки, унинг қўғирчоғи, бу қўғирчоқнинг «артистлиги», «қаҳрамон» қиёфасига кира билиши мен учун сирлигича қолади.

— Менинг қўғирчоғларим болаларга турли мамлакатларда бўлиш, қизиқарли, саёҳатлар қилишга ёрдам беради,—деди Андрей Петровец. — Сеҳргарга «айланиб», мен бу қўғирчоқларни ер куррасининг истаган жойига кўчиришим мумкин.

Айтгандай, болалар учун томоша кўрсатишни жуда яхши кўраман. Улар самимий, эзгу ҳис-туйғуларга эга ва ҳамма нарсаларни тўғри тушунадиган томошабинлардир.

— Бунга шуни қўшимча қилмоқчиманки, — деди Бахтиёр Ҳамидов, — болалар байрамда фақат томошабин бўлиб қолмайдилар. Бу байрам шундай ташкил этиладики, болаларнинг ўзлари бир неча дақиқаларда артистга айланадилар. Масалан, хоҳлаган ўғил ёки қиз бола микрофонни олиб, қўшиқ айтиши, ёддан шеър ўқиб бериши, рақсга тушиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Келинг, дўстлашайлик» асфальтдаги расмлар танловини катта байрамнинг барча тадбирлари қаторига бемалол қўшиш мумкин.

Г. ҲАСАНОВА.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1990 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларнинг бирдамлик куни — 1990 йил 1 Майда В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намойиш қатнашчилари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, белгиланган йўналиш бўйлаб район колонналари сафида В. И. Ленин номли майдонга йўл оладилар.

Таклиф билетлари бўлган шахсларни В. И. Ленин номли майдонга ўтказиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчалари, В. И. Ленин номли ва Ўзбекистон шоҳ кўчалари бўйлаб барча турдаги транспорт ҳаракати (махсус рухсатномаси бўлган автомашиналар бундан мустасно) соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта тикланади.

Тошкент метрополитени 1 Май куни эрталаб соат 6 дан тунги соат 1 га қадар ишлайди. Соат 8 дан 12 га қадар «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» станцияларидан фақат чиқиш мумкин. «В. И. Ленин номли майдон» станцияси шу пайтда берк бўлади.

Соат 12.00 дан метрополитеннинг барча йўналишларида ҳаракат очилади.

Шаҳар байрам комиссияси.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

⊙ Биринчи Май кунлари тошкентликларни шаҳримиз истироҳат боғлари ва майдонларида ўтказиладиган қизиқарли тадбирлар ўзига чорлайди. Жумладан.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТР МАЙДОНИДА

⊙ СОАТ 12 ДАН бошлаб болалар ижодий жамоаларининг чиқишлари бўлади. Доирачилар, фольклор жамоалари барча болаларни рақсга чорлайди. Фаввора олдида «Чиполлино» балетидан саҳналар кўрсатилади. «Ғунча» болалар ансамбли қўшиқлар ижро этади. Электрон-техника заводи хореография ансамбли, авиасозлар техника ва маданият саройи рақс ансамбли, цирк артистлари, «Ҳилола» ансамбли ва пионер ва ўқувчилар саройи қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади. Асфальтга расм чизиш мусобақалари бўлади, спорт беллашувлари ўтказилади. Байрам дўстлик ва қардошликни тараннум этувчи қўшиқ билан ниҳоясига етади.

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА

⊙ БУ ерда ҳам болаларнинг байрам шодиёналари соат 12 да бошланиб, соат 19 да ниҳоясига етади. Бу ердаги ўзига хос саҳналарда ўзбек халқ қўшиқлари ижро этилади, фольклор ва рақс жамоалари ўз маҳоратларини кўрсатишади, болалар ижоди кўргазмалари, танловлари, кўнгилочар ўйинлар ўтказилади. Ижодий жамоалар орасида энг яхши болалар ансамбллари, Бутуниттифоқ ва халқаро танловларнинг ғолиблари бўлишади.

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ МУЗЕЙИДА

⊙ МУЗЕЙГА туташ майдонларда Биринчи Май куни «Яшасин СССР халқларининг дўстлиги» мавзуида бадиий-театрлаштирилган байрам ўтказилади. «Жасорат» ҳайкали олдидаги бундай тадбирлар соат 12 дан то соат 18 га қадар давом этади. Миллий маркалар халқ сайилларида иштирок этади. Бу ерда сиз кейинги пайтларда Ўзбекистон пойтахтида ташкил этилган кўпгина маданият марказларининг иши билан танишишингиз, миллий урф-одатлардан воқиф бўлишингиз, миллий таомлар қандай тайёрланишининг гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Адабиёт ва санъат намояндаларининг чиқишлари, концертларда маданият институти талабалари ҳам қатнашишади. Ўзбекистон Давлат филармонияси, давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети санъаткорлари, мақом ансамбли хонандалари ҳам байрам файзига файз қўшишади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ— ДАМ ОЛИШГА

⊙ Шаҳардаги барча пассажир транспорти байрам жадвали бўйича ишлайди. Автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар эрта саҳардан то кеч оқшомгача, шаҳарликларга бетўхтов хизмат қилади.

ТРАНСПОРТЧИЛАРГА дам олиш ҳам, байрам ҳам бўлмайди. Шаҳардаги барча транспорт ташкилотлари 1 Май кунида ҳам муттасил ишлайди. Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ва трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси буйруқлари билан куннинг ҳар бир соати бўйича ҳаракатдаги транспорт воситаларининг чиқиши аниқ қилиб белгиланди. Барча автобус парклари ва депода кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилади. Бирон-бир техник сабабга кўра транспорт воситаси бузилиб қолса, диспетчерлик хизмати қўшимча воситаларни зудлик билан юборади.

Транспорт ходимлари техникани пухта созламоқдалар, уларни ювиб-тозалаб, шай ҳолига келтирмоқдалар. Жуда кўп иш қилиш керак. Байрам намойиши вақтида трамвай-троллейбус, автобусларнинг бир қисми ўз йўлларини ўзгартиради. Бир қисми эса тўсиқда фойдаланилади. Намойиш тугагандан кейин эса транспорт одатдаги аснода ишлайди.

...Ўйлаймизки, транспортчиларнинг бу тайёргарлиги яхши натижа беради, уларнинг ишида узилишлар бўлмайди, йўловчиларни куттириб қўймайдилар. Ҳамшаҳарларимиз байрам либосидаги шаҳримиз бўйлаб ҳеч бир қийинчиликсиз сайр этишлари аниқ.

В. САЛИМОВ.

ҚАТРАЛАР



⊙ Уруш ҳақида, совет кишиларининг жангдаги мислсиз жасорати, Ватанга, бурчга, онласнга, севгилисига садоқатли ҳақида. Гап, асосан, кўтаринки рухда боради. Сўнгги жанг тугаб, қуйинди порох ҳиди кўтарилганига 45 йил бўлибди-ки, бу қирғинининг ҳали теша тегмаган мавзулари ва ҳали айтиб тугатилмаган хотиралари ҳамон бизни ҳаяжонга солиб келади. Биз ва кейинги авлодларимиз уруш йилларидан тобора узоқлашганимиз сари совет жангчиларининг ҳамда уруш ортидаги кишиларнинг олий инсоний фазилатларини қалбда ғурур ва кўзда ёш билан тобора чуқурроқ ҳис этажакмиз.

«ҚОРА ХАТ»

ДАДАМНИ 1942 йилнинг 21 январь куни ҳамма қариндош-уруғларимиз йиғи-сиғи ва дуойи-фотиҳа билан урушга жўнатдилар. Аёзли совуқ кун эди. Ховлида дадам ўртоқлари билан гаплашиб тургани хотирамда, холос.

Бир йилдан сўнг Калинин фронтининг аллақайси участкасида бўлган жангда дадам ҳалок бўлибди. Ундан «Қора хат» келганини ҳеч ким билмасди, ва яқингача, онам ва дадамнинг ака-укалари дунёдан кўз юмгунларига қадар умид билан эшик пойлашарди.

Дадамдан дарак бўлмаган. Унинг ҳалок бўлганлиги ҳақида «Қора хат» келган экан.

1943 йил. Олти ака-уканинг учтаси фронтда, бири — ишчи батальонида, иккиси — ҳали ёш. Барчанинг тилида тангридан тилак — урушдан ҳамма эсон-омон қайтсин... Шундай пайтда почтачи келтирган «Қора хат»ни уйдан кимдир олган-у, уйда аза очилишига йўл қўймай, хатни намат остига яширган. Кейин амаким хатни кўриб қолган ва ёш келинга билдирмай, бошқа жойга беркитган. Улардан онам топиб олиб, тўрт фарзанди фронтда бўлган хонадонда фарёд чиқаришдан қўрқиб, яна бошқа жойга яширган. Шу билан «Қора хат»нинг изи йўқолган.

Тўрт ака-уканинг учтаси фронтда ҳалок бўлди. Фақат биттаси ногирон бўлиб қайтди.

Аммо, ҳовлимизда ҳамон аза очилмаган... Хонадон соҳиблари бирин-кетин ўтиб борсалар ҳам, сўнгги дақиқаларгача «Қондошлар тирикдир» деган умидда эдилар. Онам йигирма тўрт ёшида икки кичик бола билан қолиб, сабр-садоқат билан яшади. У ҳам, бошқалар ҳам «Қора хат»ни билишар эди, аммо бир-бировларини аяб, аҳтиётлаб оламдан ўтдилар. Отам, миллионлаб бошқа марҳум жангчилар каби, қаерда ҳалок бўлгани ва қаерга кўмилгани номаълум. Марказий ҳарбий архивлар ва ташкилотлар бундай савол ва жавоб беролмадилар.

Онам ўлганда, унинг кўксига отам расмини қўйиб, бирга дафн этдик. Ҳар икковларига битта қабртош ўрнатдик. Аза ва жаноза бирга ўтказилди. Машъум уруш туфайли 47 йиллик айрилиқдан сўнг улар шу тариқа топишдилар.

Жангни оталар қилганлар, аммо уруш азобини оналар кўпроқ тортганлар десак, янглишмаймиз.

Бардошингизга балли, жасур жангчиларнинг содиқ рафиқалари! Сизларнинг мардлигингиз севикли ёрларингиз кўрсатган жасоратдан кам эмас.

Сизлар ҳам мангуликка дахлдорсизлар!

Тошкентда ажойиб ёдгорлик — паранжини ташлаб, озодликка чиққан Шарқ аёли комплекси бор. Жуда гавжум жой. Истардимки, шу комплекснинг давомида, метронинг Ғафур Ғулом бекатидаги майдонда (Пушкин номли боққа кираверишда) фронтда ҳалок бўлган жангчиларнинг садоқатли рафиқалари образини гавдалантирган яна бир комплекс қурилса...

Жангчиларга ёдгорликлар ўрнатилади. Улар қаҳрамон эдилар. Жангчиларнинг рафиқалари ҳам ўз садоқатлари, заҳматлари билан бундай эъзозга сазовордирлар. Буни биз, ҳозирги авлод, яхши биламиз. Аммо, кейинги авлодга улар ҳақида фақат хотира ва ҳикоялар қолдирамизми?

УЧРАШУВ

ТОШКЕНТДАГИ «Прометей» клуби аъзолари Чернигов областида ҳалок бўлган ўзбекистонлик бир неча жангчиларнинг қабри аниқланиши билан, марҳум фронтчилар оила аъзоларини ўша ерга олиб бордилар.

Қандайин оғир учрашувлар...

Бир қишлоқдаги ўртоқлик мозорига ўрнатилган қабр тошида бўкалик Мамаюсуф деган йигитнинг номи ёзилган. У фронтга кетганда, ёш келинчак хотини қорнида боласи билан қолган экан.

Йигит жангда ҳалоқ бўлган. «Қора хат» келгандан сўнг фарзанд-қизалоқ туғилган. Ҳозир Ҳабиба опа неварали аёл.

...Автобус қишлоқ марказидаги солдат ҳайкали ёнида тўхтади. Ундан тушган аёл отаси қабрига томон отилди. «Отажон! Сизнинг изингизни кўрадиган кун бор экан-ку! Сизга етишадиган кун ҳам бўлар экан-ку!»

Она қорнида қолган зурриёт қирқ беш йил муқаддам ҳалоқ бўлган отаси қабрини қучоқлайди. Онаси ётган қабрдан келтирган тупроқни сепади, кейин бу қабрдан бир қисм тупроқ олиб, қўйнига яширади — қиёмат қарз, онаси қабрига сепишга...

Ҳа, уруш — ғалабаларгина эмас. Уруш — ҳали уруш нималигини билмаганларнинг ҳижрони, кўз ёши ҳамдир. Фронтдаги жасоратларга сизлар ҳам шериксизлар, марҳум жангчиларнинг ота меҳрига чанқоқ фарзандлари!

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

ЗЕБО Ғаниева номли фронтчи концерт бригадаси аъзолари турли учрашувларда, телевидение на радиолар орқали, ўша давр руҳини бизга етказишади. Ҳарбий гимнастерка ва пилоткалар аллақачон пенсияга чиққан бу онахонларга чуқур ҳурмат ва олқиш уйғотади.

Уруш йиллари фронтда минг-минглаб жангчи йигит ва қизлар бу ансамбль қўшиқ ва рақсларини кўрган, сўнгра жангга кирган...

Эҳтимол, сўнгги марта жангга киргандир... Уларнинг ичида аёл — ўқчилар, снайперлар, радистлар, врачлар, ҳамшираллар, учувчилар бор эди. Қаҳрамонлар, орден-медалли жангчи аёллар бор эди.

Нечун улар номларини яхши билмаймиз. Фронтчи қўшиқчиларга — таҳсинлар!

Фронтчи жангчи, қамтарин опаларимизга шон-шарафлар!

Улар ҳамон жангчи, олдинги сафда, қайта қуриш фронтида меҳнатда, оилада. Биз уларни унутиб қўйяпмизмикан? Эҳтимол, Тошкент боғларида, аниқроғи, қайта тикланадиган Пушкин боғида фронтчи аёллар хиёбони ташкил этилиб, уларнинг суратлари қўйилса, тўғри бўлармиди?

Улар ҳақида кейинги авлодга тўла ва аниқ маълумот қолдирайлик. Бу ҳам қиёмат қарз!

Анвар ТОЖИЕВ,
журналист.

⊙ Қадимий қўлёзма китоблар — бизгача не-не тўфонлардан ўтиб етиб келган юксак қадриятларимиздир. Халқимизнинг бу бебаҳо мулки билан мутахассисларни ва кенг жамоатчиликни таништириб бориш шарафли бурчимиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти олимлари ана шундай мўътабар ишга сафарбар этилганлар.

Қадимий қўлёзмаларни варақлаганда

Навоий хаттотлари

ИНСТИТУТ хазинаси кейинги вақтларда кўплаб ноёб қўлёзма китоблар билан бойиб бормоқда. Муҳтарам оқшомхонларни Тошкент билан боғлиқ қўлёзма китоблар қизиқтириши шубҳасиз. Шу мақсадда биз институт хазинасига кейинги вақтда келиб тушган бир қўлёзма ҳақида мухтасар ҳикоя қиламиз.

Китоблар хазинасидаги 5297 рақамли қўлёзма 60 варақдан иборат бўлиб, XIX асрда тартиб берилган. Дастхат муаллифи — Мулла Ҳусайн Чимкандий бўлиб, у Камина тахаллусида шеърлар ҳам ёзган. Асар номи кўрсатилмаган бўлса-да, маснавий йўлида ёзилганлигини ҳисобга олиб, уни «Маснавий» деб аташ мумкин. Асарда шоир 1864 йил тарихий воқеаларини баён қилади.

Шу ўринда азиз оқшомхонларни қизиқтирган бир саволга жавоб берсак. Яъни, улуғ ўзбек шоири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини кўчирган хаттотлар ким бўлган? Бу саволга жавоб олиш учун биз филология фанлари доктори М. Ҳакимов билан суҳбатлашдик. У киши бизга кўплаб истеъдодли хаттотлар ҳақида маълумот бердилар.

XV асрдан бошлаб фақат айрим хаттотларгина эмас, балки хаттотлик мактабларининг намояндалари ҳазрат Навоий асарларини кўчириш билан шуғулландилар. Шу зайлда беш аср давомида шоир асарларининг қўлёзмалари жаҳоннинг турли ўлкаларига тарқалди. Жумладан, ҳозирда Совет Иттифоқининг қўлёзма хазиналарида Навоий асарларини кўчирган уч юздан ортиқ хаттот номи аниқланди. Навоий асарлари дастлаб Ҳирот хаттотлик китобат қилинди. Шу хаттотлик мактабида XV асрнинг иккинчи ярми ҳамда XVI аср бошларида Навоий асарларини кўчирган ўнга яқин хаттот номи маълум. Айниқса, Султон Али Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган қўлёзмалар Навоий асарларининг илк нусхалари ҳисобланади.

XVI асрдан бошлаб Навоий асарларини китобат қилиш географияси анча кенгайиб кетди. Машҳад, Шероз, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шоҳруҳия хаттотлик мактабларидан кўплаб котиблар етишиб чиқди.



XVI асрда Бухоро хаттотлик мактабида Навоий асарларидан кўплаб нусхалар кўчирилди. Бухоролик котиблардан Муҳаммад Али ал-Котиб ас-Султоний, Ибн Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий, Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий кўчирган қўлёзмалар нафис китобат санъатининг ноёб дурдоналаридир. XVI аср қўлёзмаларининг қимматли томони шундаки, уларнинг аксарияти миниатюраларга эга.

XVI аср ўрталаридан Туркия, Ҳиндистон, Мисрда ҳам Навоий асарларининг нусхалари кўпая бошлади. Бу ишда кўпроқ турли ижтимоий-сиёсий сабаблар билан ўша ерларга бориб қолган хаттотлар фаолият кўрсатдилар.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

Фан ва техника сирлари янгиликлари

